

Қумқўрғонда “Саломатлик сайли” ўтказилди



Республикамиз бўйлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган “Саломатлик сайллари” ойлиги доирасидаги тадбир Сурхондарё вилояти бўйлаб ҳам давом этмоқда.

Бугун Қумқўрғонда тумани “Ёшлиар” истироҳат боғида йигирмадан ортиқ мутахассислик бўйича республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг малакали шифокорлари, шунингдек, вилоят тиббий муассасаларининг етук мутахассислари аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди.

Тадбир доирасида тумандаги мавжуд оиласвий поликлиникаларда рўйхатда турган bemorлар, ёши улуғ кексалар, ёш болали оналар, уларнинг фарзандлари, бир сўз билан айтганда, 1 минг 235 нафардан ортиқ аҳоли чуқурлаштирилган кўрикларга жалб қилинди.